

**Кенгаш томонидан ижобий баҳоланиб, молиялаштиришга тавсия этилган қурилиш материалларига оид инновацион лойиҳалар рўйхати (2020 й. май ойи ҳолатига)**

Т/р	Лойиҳа мавзуси	Илмий раҳбарнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси	Ижрочи муассаса номи	2020 маблағ жами (100%) млн.сум	Лойиҳанинг амалга ошиши санаси	Қўтилётган натижалар
1.	Иссиклик электростанцияларининг sanoat чикиндилари (золошлак) дан фойдаланиб янги инновацион қурилиш материали золобетон блоклари ишлаб чиқариш	А. Мамарайимов, техника фанлари номзоди	“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси қошидаги “Ўзқурилишматериал ЛИТИ” илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази	2 500	31.12.2020	Лойиҳанинг асосий мақсади иссиқлик электр станциялардан чиққан ва катта миқдорда тўпланиб қолган sanoat чикиндилари агроф-муҳитга таъсирини олдини олиш ва арзон золобетон блоклари ишлаб чиқариш ҳисобланади. Ушбу лойиҳани жорий этиш натижасида табиий газ сарфини мутлак камайтиришга ҳамда фақат маҳаллий хом ашёдан фойдаланишга эришилади.
2.	Маҳаллий хом-ашё асосидаги энергия ва ресурс сарфини камайтирадиган, янги қуйдирилмасдан олинадиган боғловчилар олиш технологиясини яратиш	А. Тўлаганов, техника фанлар доктори, профессор	Тошкент архитектура-қурилиш институти	1 200	31.12.2021	Маҳаллий sanoat чикиндилари ва минерал ресурслардан фойдаланиб мустаҳкамлиги 100 дан 1000 гача бўлган кенг спектрли қуйдирилмасдан олинадиган ишқорли боғловчилар олиш технологиясини яратиш натижасида экологияни тозалаш ва энергия сарфини ҳамда импортни камайтиришга эришилади. Шунингдек, <b>1 тонна</b> қуйдирмасдан олинадиган ишқорий боғловчиларни ишлаб чиқаришда порландцементга нисбатан эквивалент ёқилги сарфи <b>110-160 кг</b> , энергия сарфи <b>80 кВт/соатга</b> камайтирилишига эришилади.
3.	Азбозурит ичидан асбестни саралаб олиш технологияси	Т. Умаров, техника фанлари номзоди	Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси қошидаги “Ўзқурилишматериал ЛИТИ” илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази	205	31.12.2020	Республикага кириб келаётган асбест миқдорини камайтириш, шифер таннархини пасайтириш, Охангарон, Қувасой, Бекобод ва Ангрен зонасида тўпланиб ётган <b>2 миллион тонна</b> миқдорда азбозурит чикиндисини қайта ишлаб тоннасида <b>25% гача</b> асбест моддасини ажратиб олиш ҳамда дастлабки ҳисоб китоблар натижасида асбест импортдан <b>40 млн. АҚШ доллари</b> миқдоридаги маблағ иқтисод қилиниши мумкин бўлади.
4.	Маҳаллий табиий ва иккиламчи ресурслар асосида юқори сифатга эга клинкерли цемент ишлаб чиқариш ва олиш	Г. Касимова, техника фанлари номзоди	Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази	800	31.12.2021	Ушбу инновацион технологияни жорий этиш орқали бетон ишлаб чиқарилишида юқори самарадор фаол минерал қўшимчалардан (ФМК) фойдаланиш ва цемент сарфини тежаш, мустаҳкамлигини ҳамда кимёвий ва муз агрессиясига чидамлилигини ошириш, шу билан бирга суперпластификаторлар орқали бетон қоришмаси ҳаракатчанлигини сақлаган ҳолда сувга бўлган эҳтиёжини <b>20-30% камайтиришига</b> эришилади.

5.	Автомобиль йўллари курилишида қўллаш учун маҳаллий хом ашё асосида модификацияланган серобетон (олтингугуртли бетон) ишлаб чиқариш	М. Каримов, техника фанлари доктори	Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти	1 600	31.12.2021	Нефть ва газни қайта ишлаш ҳамда рангли металлургия саноатида ҳосил бўлган ва катта миқдорда тўпланиб қолган олтингугурт чиқиндиларидан фойдаланиб, юқори мустаҳкамликка, совуққа ва сувга чидамликка, термопластикликка, юқори ёпишқоқликка эга олтингугуртли йўл копламаси технологияси яратилади. Шунингдек, цементли бетонда сиқилиш бўйича мустаҳкамлик <b>20-40 МПа</b> Серобетонда <b>85-102 МПа</b> га, йементли бетон мустаҳкамлиги <b>2-4 МПа</b> дан Серобетоннинг мустаҳкамлиги <b>13-22 МПа</b> га, цементли бетоннинг юқори мустаҳкамликка эришиши <b>28 кунда</b> Серобетонда эса <b>1-1,2 соатни</b> ташкил этади. Ушбу технология орқали энергия сарфи, ишчи кучи ва ш.к. харажатлар сезиларли даражада камайтирилишига эришилади
6.	Таркибида глауконит ва темир мавжуд бўлган чўкинди жинслар асосида пигментлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш	Ж. Адилов, техника фанлари номзоди	Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти	1 200	31.12.2022	Глауконит асосида чўкинди темир таркибидаги пигментларни ишлаб чиқариш технологияси лойиҳаси республикада биринчи марта курилиш материаллари учун пигментларни ишлаб чиқариш имконини беради. Бу - импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган курилиш пигментларини ишлаб чиқаришга йўналтирилади. Ушбу технологияни жорий этиш натижасида Ташкент туманидаги Болғали конида <b>10 млн.тонна</b> глауконит захираси аниқланган, унинг ресурслари <b>0,5 млн. тоннага</b> баҳоланган. Қорақалпоғистонда Крантау кони <b>10 млн. тонна</b> ресурс билан баҳоланган. Сурхондарё вилоятида Кофрун кони <b>15 млн. тонна</b> захирага эгаллиги аниқланган.
7.	Ангрен ва Янгиангрен иссиқлик электр станцияларининг саноат чиқиндиларидан фойдаланиб том ёпиш қопламаси (шифер) ишлаб чиқариш технологияси	Д. Юлдашов, техника фанлари номзоди	Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси қошидаги “Ўзқурилишматериал ЛИТИ” илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази	1 700	31.12.2020	Ўзбекистон иссиқлик электростанцияларида мавжуд <b>50 млн тоннадан</b> ортиқ қўмир қолдиқлари қайта ишлатилиши орқали мамлакатимизда экологик муҳитининг яхшиланишига ва том ёпиш қопламасига ишлатиладиган хом ашёни иқтисод қилишга эришилади.
<b>Жами:</b>				<b>9 205</b>		

*Изоҳ. Кенгашининг фаолияти давомида жами 31 та инновацион технологияларни жорий қилиш ва янги турдаги юқори қўшилган қийматли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар келиб тушган. Юқорида келтирилган лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида қуйидагиларга, яъни атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, саноат чиқиндиларининг утилизацияси муаммосига ечим топилган, хом-ашё сарфини камайтиришга, энергиятежамкорликка, импорт ҳажминини камайтиришга, маҳсулотларни маҳаллийлаштиришга, қурилиш материаллари таннархини камайтиришга ва янги иш ўринлари яратишга эришилади.*